

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ

**МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ
ҚОИДАЛАРИ**



ТОШКЕНТ-2023

Тузувчилар:

А.Садиков Миллий антидопинг агентлиги директори

Д.Давронова Миллий антидопинг агентлиги юрисконсулти

Ушбу миллий антидопинг қоидалари Бутунжаҳон антидопинг кодекси асосида ишлаб чиқилган ҳамда антидопинг қоидалари турлари, тақиқланган рўйхат, синама ва текширувлар, натижаларни бошқариш, антидопинг қоидабузарлиги учун санкциялар, спортчи ва спорт персоналларининг мажбуриятлари каби маълумотларни ўзида акс эттиради.

Бу маълумотлар спортда антидопинг қоидалари тушунчасини англаш учун хизмат қилади.

Қўлланма миллий терма жамоаларининг спортчилари, спорт турлари бўйича клуб жамоаларининг тиббий штаби ҳамда барча профессионал ва ҳаваскор спортчилар, мураббийлар, спортчини қўллаб-қувватловчи шахслар, ота-оналар учун мўлжалланган.

Миллий антидопинг қоидалари Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг Аҳлоқ комиссиясининг 2023 йил _____сонли баёни билан тавсия қилинган.

МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар маҳаллий спортчилар учун допинг назоратини ташкил қилиш, спортда допинг қўлланишининг олдини олиш, спортчилардан допинг-тестларни олиш ва текшириб бориш, шунингдек допинг назорати натижаларини бошқариш тартиб-таомилларини белгилайди.

2. Спортчилар ва мусобақа иштирокчилари ушбу қоидаларни ўзбекистон Республикаси ҳудудида спорт тадбирларида қатнашиш шarti сифатида қабул қилиши ва уларга риоя қилиши зарур.

3. Антидопинг қоидалари спортчиларнинг соғлигини ҳимоя қилиш ва спортчиларга тақиқланган моддалар ва тақиқланган усуллардан фойдаланмасдан мукамалликка эришиш имкониятини бериш учун мўлжалланган.

4. Антидопинг дастурлари қоидаларига, бошқа иштирокчиларга, ҳалол рақобатга, тенг шароит ва ҳалол спорт қадриятига ҳурмат нуқтаи назаридан спортнинг яхлитлигини сақлашга қаратилган. Ушбу дастурлар спортнинг ўзига хос қийматига асосланади.

Спортнинг бу ўзига хос қиймати «спорт руҳи» деб номланади ҳамда қуйидаги тамойилларга асосланади:

саломатлик;

ахлоқ, адолат ва ҳалоллик;

ишлашнинг энг юқори даражаси;

характер ва тарбия;

завқ ва қувонч;

жамоавийлик;

мажбуриятларга садоқат ва содиқлик;

қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш;

ўзини ва бошқа иштирокчиларни ҳурмат қилиш;

жасорат;

жамият ва ҳамжиҳатлик;

допингнинг спорт руҳига тубдан зидлиги.

5. Қоидаларда қуйидаги асосий тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

АДАМС (ADAMS – Anti-Doping Administration and Management System) – маълумотларни киритиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисобот бериш орқали интернетда жойлашган маълумотлар базасини бошқариш учун мўлжалланган тизим бўлиб, манфаатдор томонларга ва Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти (ВАДА)га уларнинг уларнинг маълумотларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда антидопинг фаолиятида ёрдам бериш учун мўлжалланган тизим;

ижобий таҳлилий хулоса – ВАДА томонидан аккредитация қилинган лаборатория ёки ВАДА томонидан тасдиқланган бошқа лаборатория хулосаси, лабораториялар учун халқаро стандартларга мувофиқ намунада тақиқланган модда ёки унинг метаболитлари, маркерлари аниқланганлиги ёки тақиқланган моддадан фойдаланишнинг исботи;

антидопинг тадбирлари – допингга қарши таълим ва маълумот, допинг синамаларни олишни режалаштириш, рўйхатдан ўтган синамалар базасини сақлаш, спортчининг биологик паспортини бошқариш, синама ўтказиш, намуналар таҳлилинини ташкил этиш, маълумот тўплаш ва тергов ўтказиш, терапевтик истиснолар аризаларини қайта ишлаш, натижаларни бошқариш. Антидопинг ташкилоти томонидан ёки унинг номидан амалга ошириладиган допингга қарши тадбирлар;

антидопинг ташкилоти – допинг назорати жараёнининг исталган қисмини бошлаш, амалга ошириш ва қўллаш қоидаларини ишлаб чиқиш учун масъул томон;

спортчи – халқаро ёки миллий даражадаги спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай шахс;

спортчининг биологик паспорти – синов ва текширувлар халқаро стандарти ва лабораториялар учун халқаро стандартга мувофиқ амалга оширилган маълумотларни йиғиш ва тўплаш дастури ва усуллари;

спортчини қўллаб-қувватловчи шахслар – ҳар қандай мураббий, ўқитувчи, менежер, агент, жамоа шахслари, мансабдор шахслар, расмий, тиббий, ўрта тиббиёт ходимлари, ота-оналар ёки спортчи билан ишлайдиган, унга тиббий ёрдам кўрсатадиган, спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришда ва иштирок этишда ёрдам берадиган ҳар қандай шахс;

Бошқа шахслар- спортчи ёки спорт персонали бўлмаган, спорт билан боғлиқ фаолият юритадиган, намуна ва синама топшириш жараёнидан ўтмайдиган, Бутунжаҳон антидопинг кодекси бўйича профессионал фаолияти юзасидан жавобгар бўлиши мумкин бўлган шахслар яъни спорт федерация (ассоциация), клуб ва спорт ташкилотларининг директорлари, мансабдор шахслари ва бошқа хизматчилари.

уриниш – пировард натижада антидопинг қоидаларини бузишга қаратилган фаолиятнинг муҳим қисми бўлган фаолиятда қасддан қатнашиш;

допинг назорати – синовни режалаштиришдан тортиб якуний апелляцияни кўриб чиқишгача бўлган барча босқичлар ва жараёнлар, шу жумладан, спортчининг қаерда эканлиги ҳақида маълумот бериш, намуналарни йиғиш ва ташиш, лаборатория синовлари, ТИ сўровлари, натижаларни бошқариш ва эшитишлар каби барча босқичлар ва жараёнлар;

мусобақа даври – мусобақага мезбонлик қилувчи ташкилот томонидан белгиланган спорт тадбирининг бошланиши ва тугаши орасидаги вақт;

халқаро спорт тадбири - Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро паралимпия қўмитаси, халқаро федерация, йирик халқаро мусобақа ташкилий қўмитаси ёки бошқа халқаро спорт ташкилоти раҳбарлик

қиладиган ёки техник ходимлар тайинланадиган спорт тадбири ёки мусобақа;

халқаро стандарт – Бутунжаҳон антидопинг кодексини қўллаб-қувватлаш учун ВАДА томонидан қабул қилинган стандарт;

маркер – тақиқланган моддадан ёки тақиқланган усулдан фойдаланишни кўрсатадиган мураккаб модда, бундай моддалар гуруҳи ёки биологик кўрсаткичлар;

метаболит – биотрансформация жараёнида ҳосил бўлган ҳар қандай модда;

мусобақадан ташқари синов – мусобақадан ташқари вақтда олинган ҳар қандай допинг синама;

тақиқланган рўйхат – тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхатини белгилайдиган рўйхат;

тақиқланган модда – тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхатига киритилган ҳар қандай модда;

тақиқланган усул – тақиқланган моддалар ва тақиқланган усуллар рўйхатини белгилайдиган рўйхат;

натижаларни бошқариш – Натижаларни бошқариш бўйича халқаро стандартнинг 5 моддасига мувофиқ хабар бериш ўртасидаги вақтни ёки баъзи ҳолларда (масалан атипик топилма, спортчининг биологик паспорти, жойлашган жойи тўғрисида ахборот бериш тартибини бузиш) олдинги хабар бериш босқичларини ўз ичига олган жараён;

намуна – допинг назорати мақсадида тўпланган ҳар қандай биологик материал;

техник ҳужжат – ВАДА томонидан вақти-вақти билан қабул қилинадиган ва эълон қилинадиган ҳужжат, халқаро стандартда баён этилган муайян антидопинг мавзулари бўйича техник талабларни ўз ичига олади;

СИНОВ - синовларни режалаштириш, намуналарни йиғиш ва қайта ишлаш ҳамда намуналарни лабораторияга ташишни ўз ичига олган допинг назоратининг бир қисми;

терапевтик истисно – спортчига тиббий сабабларга кўра тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланишга Бутунжаҳон антидопинг кодексининг 4.4 моддасида ва Терапевтик фойдаланиш бўйича имтиёзлар халқаро стандартида кўрсатилган шартлар асосида рухсат бериш;

фойдаланиш – тақиқланган моддалар ва тақиқланган усуллар билан боғлиқ нарсаларни ишлатиш, қабул қилиш, истеъмол қилиш, инъекция қилиш ёки бошқа йўл билан бошқариш;

тарқатиш – тақиқланган моддани ёки тақиқланган усулни (тўғридан-тўғри ёки электрон ёки бошқа воситалар орқали) Антидопинг ташкилоти юрисдикциясида бўлган спортчи, спортчини қўллаб-қувватловчи шахслар ёки бошқалар томонидан сотиш, ташиш, жўнатиш, етказиб бериш ёки тарқатиш;

ЮНЕСКО Конвенцияси – 2005 йил 19 октябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида қабул қилинган “Спортда допингга қарши кураш” Халқаро Конвенцияси.

II боб. Антидопинг қоидаларини бузиш

6. Допинг ушбу қоидаларда кўрсатиб ўтилган антидопинг қоидаларининг бир ёки бир нечтасини бузиш ҳисобланади.

7. Ушбу бобнинг мақсади антидопинг қоидаларини бузиш сифатида белгиланган ҳаракат ва ҳолатларни тавсифлашдан иборат. Антидопинг ҳолатлари бўйича эшитувлар ушбу қоидалардан бири ёки бир нечтаси бузилганлиги тасдиғини топган тақдирда ўтказилади. Спортчилар ва бошқа шахслар “антидопинг қоидаларининг бузилиши” тушунчаси, шунингдек, Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан тасдиқланган “Тақиқланган рўйхат”га кирган моддалар ва усулларни билмасликлари учун жавобгардирлар.

8. Тақиқланган модданинг танага тушишини олдини олиш спортчининг шахсий масъулиятидир. Спортчи ундан олинган

наъмунадан топилган ҳар қандай тақиқланган моддалар ёки унинг метаболитлари ёки маркерлари учун жавобгардир. Бунда қоидабузарлик аниқланганда спортчининг нияти, мақсади, айби, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этганлигини исботлаш зарурати мавжуд эмас.

9. Ушбу қоидаларнинг 8-бандига кўра, қуйидаги ҳолатлар, яъни спортчининг А намунасида тақиқланган модда ёки унинг метаболити ва маркерларининг мавжудлиги, спортчининг Б намунани текширтириш ҳуқуқидан фойдаланмаслиги ва Б намунанинг таҳлил қилинмаслиги ёки спортчи томонидан Б намуна текширтирилганда А намуна таҳлилида аниқланган тақиқланган модда, унинг метаболитлари ва маркерлари борлигини тасдиқланиши, А ва Б намуна икки қисмга ажратилганда, ажратилган намуна биринчи намунада аниқланган тақиқланган модда, унинг метаболитлари ва маркерлари мавжудлигини тасдиқлаши ёки спортчи томонидан топширилган намунада аниқланган тақиқланган модда(лар)ни тасдиқлаш таҳлили учун текширтирилмаслиги антидопинг қоидаларини бузишни етарли исботи ҳисобланади.

10. Спортчидан олинган намунада Тақиқланган рўйхат ёки Техник ҳужжатларда кўрсатилган тақиқланган модда, унинг метаболитлари ва маркерларининг аниқланган ҳар қандай кўрсаткичи антидопинг қоидаларини бузиш ҳисобланади.

11. Ушбу қоидаларнинг 8 бандидаги умумий қоидалардан истисно тарзида Тақиқланган рўйхат, Халқаро стандартлар ёки Техник ҳужжатларда тақиқланган моддалар ёки уларнинг баҳоси ҳақида хабар беришнинг ўзига хос мезонлари белгиланиши мумкин.

12. Тақиқланган модданинг танага тушишини олдини олиш спортчининг шахсий масъулиятидир. Спортчи ундан олинган намунадан топилган ҳар қандай тақиқланган модда(лар) ёки унинг метаболитлари ёки маркерлари учун жавобгардир. Бунга кўра, ушбу қоидаларнинг 8 бандида белгиланган қоидабузарлик аниқланганда спортчининг нияти, мақсади, айби, қасддан ёки беҳосдан содир этганлигини исботлаш зарурати мавжуд эмас.

13. Тақиқланган модда ва усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уринишнинг натижаси муҳим эмас. Бунда тақиқланган модда ва усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш антидопинг қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

14. Спортчининг амалдаги антидопинг қоидаларига мувофиқ хабардор этилганидан сўнг намуна топширишдан бўйин товлаши, узрли сабабсиз рад этиши ёки намуна олиш жараёнида иштирок этмаслиги антидопинг қоидасини бузиш ҳисобланади.

15. Халқаро ва Миллий синов тизимида рўйхатдан ўтган спортчининг ўн икки ойлик муддат ичида Синовлар ва текширувлар бўйича Халқаро стандартда белгиланган синовни ўтказиб юбориш ва/ёки маълумот тақдим этмасликнинг ҳар қандай 3 комбинацияси ҳам антидопинг қоидалари бузилишининг бир кўриниши ҳисобланади.

16. Допинг назоратини амалга оширишга халақит берадиган ҳар қандай ҳаракатлар, жумладан допинг назорати ходимлари фаолиятини қасддан бузиш ёки бузишга уриниш, антидопинг ташкилотига ёлғон маълумот тақдим қилиш ёки иш учун аҳамиятга эга бўлган гувоҳни қўрқитиш ёки қўрқитишга уриниш антидопинг қоидасини бузиш ҳисобланади.

17. Спортчи томонидан мусобақа вақтида ҳар қандай тақиқланган модда ва усулларга эгалик қилиш ёки спортчи томонидан мусобақадан ташқари вақтда тақиқланган модда ва усулга эгалик қилиш, агарда спортчи томонидан ушбу эгалик қилиш Терапевтик истиснолар ёки бошқа мақбул тушунтиришлар асосида рухсат этилганлиги исботланмаса антидопинг қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

18. Спортчини қўллаб-қувватловчи шахсларнинг мусобақа вақтида ҳар қандай тақиқланган модда ва усулларга эгалик қилиши ёки ушбу шахсларнинг мусобақадан ташқари вақтда ҳар қандай тақиқланган модда ва усулга эгалик қилиши, агар бу спортчи билан боғлиқ бўлса ва шахс томонидан ушбу эгалик қилиш Терапевтик истиснолар ёки бошқа мақбул тушунтиришлар асосида рухсат этилганлиги исботланмаса антидопинг қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

19. Спортчилар ёки бошқа шахслар томонидан мусобақа вақтида спортчига тақиқланган модда ва усулларни қўллаш ёки қўллашга уриниш, мусобақадан ташқари вақтда тақиқланган модда ва усулларни ҳар қандай спортчига қўллаш ёки қўллашга уриниш ҳам антидопинг қоидалари бузилишининг бир кўриниши ҳисобланади.

20. Спортчи ёки бошқа шахслар томонидан антидопинг қоидаларини бузиш ёки бузишга уриниш мақсадида ёрдам бериш, рағбатлантириш, тарғиб қилиш, тил бириктириш, яшириш ёки бошқа турдаги қасддан иштирок этиш ёки иштирок этишга уриниш антидопинг қоидадини бузиш ҳисобланади.

21. Спортчи ва бошқа шахслар антидопинг қоидаларини бузганлиги учун спорт фаолиятдан четлаштирилган ёки допингга алоқадорлик юзасидан интизомий терговга тортилган ва жиноий иш доирасида айбдор деб топилган спортчи, мураббий, спорт шифокори ва бошқа спорт шахслари билан ҳамкорлик қилиши тақиқланади.

Спортчи ёки бошқа шахсларнинг масъул органга антидопинг қоидаларининг бузилиши тўғрисида хабар берилишига тўсқинлик қилиши ёки хабар берганлик учун хабар берган шахсларга қасд қилиши тақиқланади.

III боб. Допингни тасдиқловчи далиллар

22. Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги антидопинг қоидалари бузилганлигини исботлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Исботлаш стандартлари Миллий антидопинг агентлиги томонидан халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

IV боб. Тақиқланган рўйхат

23. Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан эълон қилинган Тақиқланган рўйхатни халқаро стандарт сифатида йилига камида бир марта эълон қилиши шарт. Бунда Тақиқланган рўйхатнинг мазмуни ва ўзгартиришлар имзоловчи тарафлар ва ҳукуматга ёзма тарзда изоҳ ва маслаҳат учун дарҳол тақдим этилади. Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан эълон қилинган Тақиқланган рўйхат ёки унга

киритилган ўзгартиришлар эълон қилинган кундан 3 ойдан сўнг кучга киради.

24. Тақиқланган рўйхат ўз ичига мусобақа вақти ва мусобақадан ташқари вақтда доимий допингдан фойдаланиш сифатида баҳоланган ҳамда яқинлашаётган мусобақаларда жисмоний ҳолатни яхшилашга қаратилган ёки фақат мусобақа даврида тақиқланган моддалар ва усуллардан фойдаланишни ниқоблашга қаратилган моддалар ва усулларни қамраб олади. Тақиқланган модда ёки усуллар Тақиқланган рўйхатнинг умумий синфига ёки махсус синфига киради.

25. Агар модда ёки усуллар тиббий ёки бошқа илмий далиллар, фармакологик таъсир ва тажриба натижасида яқка ўзи ёки бошқа моддалар ва усуллар билан биргаликда, спорт самарадорлигини ошириш ёки яхшилаш хусусиятига эга бўлса тақиқланган рўйхатга киритилади.

26. Агар модда ёки усуллар тиббий ёки бошқа илмий далиллар, фармакологик таъсир ва тажриба натижасида спортчи соғлиги учун реал хавф ёки жиддий хатар туғдириши аниқланганса тақиқланган рўйхатга киритилади.

27. Модда ва усуллар Бутунжаҳон антидопинг кодексида белгиланган спорт принципларига зид бўлса тақиқланган рўйхатга киритилади.

28. Спортчида тақиқланган модда, унинг метаболит ва маркерларидан фойдаланганлик ёки фойдаланишга уриниш, тақиқланган модда ва усулларга эгаллик қилиши бўйича терапевтик фойдаланишнинг Халқаро талаблари бўйича рухсатномаси бўлса антидопинг қоидаларини бузиш сифатида баҳоланмайди.

29. Халқаро даражадаги спортчи ҳисобланмайдиган спортчилар терапевтик истисно олиш учун Миллий антидопинг агентлигига мурожаат қилади. Терапевтик истисно беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан Апелляция комиссиясига шикоят қилиш мумкин.

30. Халқаро даражадаги спортчи терапевтик истисно олиш учун ўзининг халқаро спорт федерациясига мурожаат қилади.

V боб. Синама ва текширувлар

31. Синама ва текширувлар допингга қарши кураш борасида ҳар қандай мақсадда ўтказилиши мумкин. Синама спортчи томонидан 8 банд (спортчи намунасида тақиқланган модда ёки унинг метаболит ва маркерлари мавжудлиги) ёки 12 банднинг (тақиқланган моддадан ёки тақиқланган усулдан фойдаланишга уриниш) қоидалари бузилганлигини таҳлилий далилларини тақдим этиш учун ўтказилиши керак.

32. Антидопинг ташкилоти спортчини олдиндан огоҳлантирмасдан спортчи томонидан жойлашган манзили тўғрисида АДАМС тизимида киритилган маълумотлар асосида исталган вақтда спортчи жойлашган манзилга бориши ва намуна топширишни талаб қилиши мумкин. Бунда синама ўтказиш учун белгиланган чекловларга амал қилинади.

33. Антидопинг ташкилоти Ўзбекистон Республикаси фуқароси, резиденти, спорт ташкилотлари аъзоси ёки лицензиясига эга бўлган барча спортчилардан мусобақа даврида ва мусобақадан ташқари даврда синама олиш ваколатига эга.

34. Антидопинг ташкилоти спорт фаолиятини якунламаган ва ташкилотнинг допинг-синама ўтказувчи бўлимига бўйсунадиган ҳар қандай спортчидан, жумладан, антидопинг қоидаларини бузганлиги учун спортдан четлаштирилган спортчидан ҳам допинг-синама олиш ваколатига эга.

35. Халқаро ва Миллий синов рўйхатига киритилган спортчи ҳар чорақда АДАМС тизимида жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши ҳамда мунтазам равишда маълумотларни янгилаб бориши лозим.

36. Халқаро синама топшириш тизимида киритилмаган, бироқ халқаро доирадаги мусобақада қатнашмоқчи бўлган спортчи АДАМС тизимида ўзининг жойлашган жойи тўғрисидаги аниқ маълумотларни мусобақадан икки ой олдин жойлаштириши лозим.

37. Халқаро синама стандарти талабига кўра, антидопинг ташкилоти синамаларни тақсимлаш ва ўтказишни режалаштиради.

Бунда синама ўтказиш самарадорлигини ошириш ва такрорий синама олишларни олдини олиш мақсадида синама ўтказиш жараёни ADAMS тизими орқали ташкиллаштирилади.

38. Миллий антидопинг ташкилоти ўз фаолиятини спортчиларнинг рўйхатларини тузиш ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни тўплаш орқали мувофиқлаштиради. Миллий антидопинг ташкилоти ADAMS тизими орқали синама олиш тизимида киритилган спортчилар рўйхатини тақдим қилиб боради. Бунда спортчилар синама топшириш базасига киритилганликлари ёки базадан чиқарилганликлари тўғрисида олдиндан хабардор этиб борилиши лозим.

39. Халқаро ёки Миллий синов рўйхати тизимида киритилган бироқ спорт фаолиятини якунлаган халқаро ёки миллий тоифадаги спортчи ўз фаолиятини қайта тиклаш мақсадида халқаро ёки миллий мусобақада қатнашиш учун Миллий антидопинг агентлигига олти ой олдин ёзма равишда ўзининг спорт фаолиятини тиклаш мақсадини билдириши лозим.

Ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолда мусобақада эришилган натижалар бекор қилинади.

40. Спортчи антидопинг қоидаларини бузганлиги учун спортдан четлаштирилган муддатдан сўнг спорт фаолиятини қайта тиклаш мақсади тўғрисида Миллий антидопинг агентлигини олти ой олдин ёзма равишда хабардор қилмаган тақдирда, ушбу спортчи халқаро ёки миллий даражадаги мусобақада қатнаша олмайди.

41. Антидопинг ташкилоти синама ва текширувлар бўйича Халқаро стандарт талабларига мувофиқ текширув ва маълумотларни тўплаш имкониятига эга бўлиши керак.

VI боб. Намуна таҳлили

42. Ушбу қоидаларнинг 8 бандига мувофиқ салбий таҳлилий хулосани тўғридан-тўғри аниқлаш мақсадида намуналар фақат Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан аккредитация қилинган ёки бошқа йўл билан тасдиқланган лабораторияларда таҳлил

қилинади. Намуна таҳлилини ўтказиш учун лабораторияни танлаш фақат натижаларни бошқариш учун масъул бўлган антидопинг ташкилоти томонидан амалга оширилади.

43. Намуналар ва тегишли таҳлилий маълумотлар ёки допинг назорати маълумотлари Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан тақиқланган модда ва усулларни аниқлаш ёки Антидопинг ташкилоти томонидан допингга қарши курашнинг қонуний мақсадларида спортчининг сийдик, қон ёки бошқа биологик намуналари, шу жумладан ген ёки геномик профиллари ёки бошқа ҳар қандай кўрсаткичлари профилини яратиш мақсадида таҳлил қилиниши мумкин.

44. Намуналар, тегишли таҳлилий маълумотлар ва допинг назорати маълумотлари антидопинг тадқиқотлари учун фойдаланилиши мумкин, бироқ ҳеч қандай намуна спортчининг ёзма розилигисиз илмий мақсадларда фойдаланилмайди.

VII боб. Натижаларни бошқариш

45. Ушбу қоидаларга мувофиқ, Натижаларни бошқариш тизими антидопинг қоидаларини бузиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда адолатли, тез ва самарали бўлиши учун мўлжалланган жараённи ўрнатади.

46. Миллий антидопинг агентлиги Натижаларни бошқариш тизимини бошқарувчи ташкилот сифатида юзага келган антидопинг қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи ваколатли орган ҳисобланади.

47. Антидопинг қоидалари бузилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида спортчи ёки бошқа шахсларни хабардор этишдан олдин, Миллий антидопинг ташкилоти ADAMS тизимини текшириши ҳамда Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти ҳамда бошқа антидопинг ташкилотлари билан антидопинг қоидалари бузилганлиги фактини аниқлаш бўйича ҳамкорлик қилиши лозим.

VIII боб. Антидопинг қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби

48. Миллий антидопинг агентлиги антидопинг қоидаларини бузганликда айбланаётган ҳар қандай шахсга нисбатан адолатли ва холис бўлган Аҳлоқ комиссияси томонидан оқилона муддатда эшитувлар ўтказилишини таъминлайди.

49. Аҳлоқ комиссия аъзолари ва фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги томонидан тасдиқланади.

IX боб. Индивидуал натижаларни автоматик бекор қилиш

50. Мусобақа вақтидаги синовларда спортнинг индивидуал турлари бўйича антидопинг қоидалари бузилиши аниқланиши, автоматик равишда спортчининг ушбу мусобақа давомида олинган натижаларининг бекор бўлишига, шу жумладан барча медаллар, баллар ва совринларидан маҳрум қилинишга, рағбатлантириш пулларининг қайтарилишига олиб келади.

51. Спортчи антидопинг қоидаларини бузганлиги учун спортдан четлаштирилган муддатда қуйидаги ҳуқуқлардан маҳрум этилади:

ҳар қандай турдаги спорт мусобақаларида қатнашиш;

спорт Федерациялари томонидан спортчининг фаолиятини молиялаштириш;

расмий қарор қабул қилинган вақтдан спорт жароҳатлари ва халқаро мусобақалардаги жароҳатлар учун товон пули олиш.

52. Спортчи натижалари бекор қилинган вақтдан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатли органга спорт унвонидан ҳамда миллий терма жамоадаги аъзолигидан маҳрум этиш учун ҳужжатларини топшириши лозим.

X боб. Жисмоний шахсларга нисбатан санкциялар

53. Мусобақа давомида ёки мусобақа билан боғлиқ ҳолда содир бўлган антидопинг қоидаларининг бузилишида мусобақа ташкилотчисининг ихтиёрига кўра, спортчининг ушбу мусобақада эришган барча индивидуал натижаларини дисквалификация қилишга

олиб келиши мумкин, бунинг натижасида спортчидан барча медаллар, баллар ва совринлар олиб қўйилиши мумкин.

54. Мусобақанинг бошқа натижаларини дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, масалан, спортчининг антидопинг қоидаларини бузилишининг жиддийлиги ва бошқа мусобақаларда спортчидан олинган тест синовларининг манфий бўлганлиги эътиборга олинади.

55. Агар спортчи ўз ҳаракатларида айб ёки бепарволик йўқлигини исботлаб берса, спортчининг бошқа мусобақалардаги индивидуал натижалари бекор қилинишига олиб келмайди.

56. Ушбу қоидаларнинг 8 ёки 14 бандларини бузганлик учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати тўрт (4) йилни ташкил қилади, агар спортчи намуна топшириш учун келмаганда, антидопинг қоидалари қасддан бузилмаганлигини исботлаб бера олса, спортдан четлаштириш муддати 2 (икки) йил этиб белгиланади.

57. Ушбу қоидаларнинг 15 бандини бузганлик учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати икки (2) йилни ташкил қилади, бунда спортчининг айблилик даражасига қараб муддат бир (1) йилга қисқартирилиши мумкин. Ушбу моддада кўзда тутилган икки (2) йил ва бир (1) йиллик ҳуқуқдан маҳрум қилиш имконияти синов топширишдан қочиш мақсадида сўнгги вақтда турган жойи тўғрисидаги маълумотни ўзгартирган ёки бошқа хатти-ҳаракатни содир этган спортчиларга нисбатан қўлланилмайди.

58. Ушбу қоидаларнинг 16 ёки 17-18 бандларини бузганлик учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ҳуқуқбузарликнинг оғирлигига қараб минимал тўрт (4) йилдан умрбод муддатгача ташкил қилади. Агарда ушбу қоидабузарлик спортчини қўллаб-қувватловчи шахслар томонидан содир этилса, умрбод ҳуқуқдан маҳрум қилинишига олиб келади.

59. Ушбу қоидаларнинг 19 бандини бузганлик учун ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига қараб, ҳуқуқдан маҳрум қилиниш муддати камида икки (2) йилдан умрбод муддатгача ташкил қилади.

60. Ушбу қоидаларнинг 20 бандини бузганлик учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати икки (2) йилни ташкил қилади, бунда спортчи ёки бошқа шахснинг айблилик даражасига қараб муддат бир (1) йилга қисқартирилиши мумкин.

61. Ушбу қоидаларнинг 21 бандини бузганлик учун ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати спортчи ёки бошқа шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражасига қараб икки (2) йилдан умрбод муддатгача ташкил қилади

XI боб. Спортчи ва бошқа шахсларнинг қўшимча мажбуриятлари

62. Спортчининг мажбурияти:

Спортчи антидопинг сиёсати ва қоидаларини билиши ва уларга риоя қилиши;

Исталган вақтдаги допинг синама ўтказиш учун намуна топширишга тайёр бўлиши;

Допингга қарши кураш доирасида истеъмол қилаётган ва фойдаланаётган егуликлари учун жавобгар бўлади.

63. Спортчи тиббиёт шахсларини ўзининг тақиқланган модда ва усуллардан фойдаланмаслик тўғрисидаги мажбурияти ҳақида хабардор қилиши ҳамда кўрсатилаётган тиббий ёрдам антидопинг сиёсати ва қоидаларини бузмаслиги учун жавобгардир.

64. Спортчи Миллий антидопинг ташкилоти ва Халқаро спорт федерациясига охириги 10 йил давомида антидопинг қоидалари бузилиши бўйича қабул қилинган ҳар қандай қарор тўғрисида хабар бериши лозим.

65. Антидопинг қоидалари бузилишини текширишда антидопинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши ҳамда антидопинг ташкилоти сўровига кўра, спортчини қўллаб-қувватловчи шахсларнинг шахсини ошкор қилиш лозим.

66. Спортчини қўллаб-қувватловчи шахсларнинг мажбурияти:

спортчини қўллаб-қувватловчи шахс ўзи ва қўллаб-қувватловчи спортчисига нисбатан қўлланиладиган антидопинг сиёсати ва қоидаларини билиши ва уларга риоя қилиши;

спорт синама дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилиши;

допингга қарши мурасасиз кураш муҳитини яратиш доирасида спортчига, унинг қарашлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиши;

Миллий антидопинг ташкилоти ва Халқаро спорт федерациясини охириги 10 йил давомида антидопинг қоидалари бузилиши бўйича қабул қилинган ҳар қандай қарор тўғрисида хабардор қилиши;

антидопинг қоидалари бузилишини текширишда антидопинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

тақиқланган модда ва усуллардан узрли сабабларсиз фойдаланмаслик ёки уларга эгалик қилмаслиги керак.

XII боб. Маҳфийлик

67. Спортчи ёки бошқа шахсларни антидопинг қоидаларини бузилганлиги тўғрисида огоҳлантириш Антидопинг ташкилоти томонидан Натижаларни бошқариш тизимига мувофиқ ишлаб чиқилган қоидаларнинг шакли ва имкониятларига мувофиқ бўлиши лозим.

68. Антидопинг қоидалари бузилганлиги тўғрисида маълумот олган ташкилот ушбу маълумотни касбий фаолияти юзасидан билиши мумкин бўлган шахслардан бошқаларга ошкор этиши тақиқланади.

69. Натижаларни бошқариш бўйича Халқаро стандарт талабларига мувофиқ спортчига ёки бошқа шахсга антидопинг қоидалари бузганлиги тўғрисида хабарнома жўнатилганидан сўнг, антидопинг қоидалари бузилганлиги, тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланганлиги ва вақтинчалик дисквалификация қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар очикланиши мумкин.

70. Антидопинг қоидалари бузилганлиги факти аниқланган кундан 20 кун ичида Апелляция бўйича комиссияга апелляция тартибида шикоят киритилмаган, спортчи Ахлоқ комиссияси эшитувиغا келмаган,

антидопинг қоидалари бузилганлиги факти устидан ўрнатилган муддатда ва усулларда низолашилмаганда Миллий антидопинг агентлиги антидопинг қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги қарорни спорт тури, бузилган антидопинг қоидаси, қоидабузарликни содир этган спортчи ёки бошқа шахснинг исми ва фамилиясини, фойдаланилган тақиқланган модда ёки усулнинг номини кўрсатган ҳолда оммага ошкор қилиши лозим.

71. Ҳар қандай ҳолатда ҳам спортчи ёки бошқа шахсларнинг антидопинг қоидаларини бузмаганлиги факти Аҳлоқ комиссияси ёки Апелляция бўйича комиссия томонидан аниқланса спортчи ёки бошқа шахс томонидан қарор устидан шикоят келтирилганлиги факти оммага ошкор қилиниши мумкин. Бироқ қарор ва унга асосланган фактлар фақат спортчининг ёки бошқа шахснинг розилиги билан оммага ошкор қилиниши мумкин.

72. Миллий антидопинг агентлигининг расмий веб-сайтида допинг қоидалари бузилиши билан боғлиқ ҳолатларга тегишли маълумотлар бир ой муддатга ёки бутун дисквалификация муддатига жойлаштирилиши мумкин.

XIII боб. Апелляция бўйича комиссия

73. Миллий антидопинг агентлиги ҳузурида фаолият кўрсатувчи Аҳлоқ комиссияси ва Терапевтик истиснолар бўйича комиссия томонидан антидопинг қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган Бутунжаҳон антидопинг кодекси ҳамда Миллий антидопинг қоидалари асосида кўриб чиқилган ишлар бўйича қабул қилинган қарорлар устидан норози тарафлар, яъни спортчи ёки Миллий антидопинг агентлиги апелляция шикоятини бериши мумкин.

74. Апелляция бўйича комиссия фаолияти Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

75. Халқаро тоифадаги спортчи ёки Халқаро мусобақа вақтидаги антидопинг қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ишлар юзасидан апелляция шикояти Халқаро спорт арбитражига тақдим этилади.

76. Миллий антидопинг ташкилоти томонидан муайян антидопинг қоидасининг бузилиш ҳақида оқилона муддатда қарор қабул қилинмаслиги Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти томонидан тўғридан-тўғри Халқаро спорт арбитражига апелляция тартибида мурожаат қилиш учун асос ҳисобланади.

XIV боб. Миллий антидопинг ташкилотининг ўрни ва вазифалари

77. Миллий антидопинг агентлиги

Фаолиятини амалга ошириш ва оператив қарорлар қабул қилишда спорт ва ҳукуматдан мустақил бўлиши;

Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва халқаро стандартларга мувофиқ антидопинг қоидалари ва тамойилларини қабул қилиши ва қўллаши;

Бошқа манфаатдор миллий ташкилот ва агентликлар, жумладан бошқа антидопинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши;

Допингга қарши ташкилотлар ўртасида ўзаро синов ўтказишга ёрдам бериши;

Допингга қарши кураш соҳасидаги илмий тадқиқотларни рағбатлантириши;

Спортчи ёки спорт шахсларини антидопинг қоидаларини бузганликлари учун спортдан четлаштирилган даврда молиялаштириш кўзда тутилган тақдирда, молиялаштиришни қисман ёки бутунлай рад этиши;

Ўз ваколатлари доирасида антидопинг қоидалари бузилишини қатъий тақиқ қилиш, шу жумладан ҳар бир ҳолатда спортчи ва спорт шахсларининг антидопинг қоидалари бузилишига алоқадорлигини текшириши;

Антидопинг соҳасидаги таълим дастурини Халқаро таълим стандарти талабларига мувофиқ режалаштириши, амалга ошириши, баҳолаши ва тарғиб қилиши;

Спортчи томонидан антидопинг қоидалари бузилганлиги аниқланган ҳолатда, спортчига алоқадор спорт ҳодимлари устидан текширув ўтказиши;

Бутунжаҳон антидопинг ташкилоти билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши лозим.